

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 339.13+622.323(575.1)

ПАРПИЕВ ДИЛШОД БОТИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НЕФТ-ГАЗ КАЗИБ
ЧИҚАРИШНИНГ ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент ва маркетинг

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ- 2010



339.13 (043.3)

339.138

П-21

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ходиев Баходир Юнусович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович

иқтисод фанлари номзоди
Холматов Неъмат Боймирзаевич

Етакчи ташкилот: “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси
қошидаги Нефт ва газ илмий-тадқиқот ва
лойиҳа институти

Диссертация 2010 йил “1” “12” соат “9⁰⁰” да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.


Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “1” “06” да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби**

**иқтисод фанлари доктори,
профессор**

 **Б. Беркинов**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида миллий хўжаликнинг оқилона, самарали таркибий тузилмаси шаклланди ва бу ҳолат республикада барқарор иқтисодий ўсишга муҳим замин ҳисобланади. Ушбу жараёнда иқтисодиётнинг ўзак тармоқлари ривожланиши муҳим ўрин тутди. Бундай тармоқлар орасида нефт ва газ ишлаб чиқариш саноати ҳам етакчи мавқега эга. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, “Инвестиция дастури доирасида 2008 йилда 300дан зиёд йirik инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Хусусан, “Зеварда” қонида компрессор станцияси, Қўқдўмалок қонида йўлдош газларни утилизация қилувчи учта ускуна, 142 километрлик газ қуви ва 184 километрлик электр узатиш тармоғи ишга туширилди”¹.

Ўтган йиллар мобайнида республикада нефт ва газ мажмуаси иқтисодий ислохотлар туфайли янги бозор муносабатларига мослаштирилди. Шу билан бир вақтда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, ташқи бозорнинг таъсири нефт ва газ саноатида хўжалик юритишнинг самарали йўлларига ўтишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”². Шу нуқтаи назардан халқаро тажриба негизида нефт ва газ тармоғининг маркетинг стратегиясини танлаш муҳим.

Жаҳон ёқилғи маҳсулотлари бозорида республикада нефт ва газ ишлаб чиқариш тармоғи бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Уларни самарали ҳал этиш эса келгусида тармоқ ривожланишининг гарови саналади. Асосий муаммолар доирасида жаҳон нефт ва газ бозорида юқори рақобат муҳити ҳукм суриши ва республикадашнинг ушбу тармоғи рақобат муҳитида етарлича тажрибага эга эмаслигидадир.

Жаҳон нефт индустриясида етакчи мавқееларни трансмилий компаниялар – Exxon Mobil, Royal Dutch/Shell, BP, ConocoPhillips, Chevron, Texaco, Total, шунингдек, газ қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг Saudi Aramco, Petroleos de Venezuela S.A. (PDVSA), NIOC Эрон, Pemex Мексика, KPC Қувайт миллий компаниялари эгаллайди. Бу каби компаниялар миллий нефт ва газ мажмуаси фаолияти доирасида ҳам, жаҳон нефт таъминоти тизимида ҳам етарлича тажрибалар тўплашган. Шуларни инобатга олганда, Ўзбекистоннинг жаҳон нефт ва газ бозорига интеграллашуви улар тўплаган тажрибаларни кенг миқёсда ўрганиб, амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

¹ Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг боли максатидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б. 37.

² Каримов И. А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тарвақлини ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.23.

Йирик нефт компаниялари билан рақобатлашиш ва бу жараёнда рақобатбардошликни таъминлашга йўналтирилган халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар мажмуий тавсифга эга бўлиб, иқтисодий ва энергетика хавфсизлиги, ташқи иқтисодий алоқа, технологик ва инновация сисъатини олиб бориш жараёнидаги муаммоларни ўз ичига олади. Нефт ва газ компаниялари самарали маркетинг стратегиялари республикамиз иқтисодиёти ўзак тармоқлари ривожланишига замин яратади. Бу соҳадаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ушбу диссертация мавзуси шу жиҳатдан ҳам долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маркетингнинг илмий ва амалий муаммоларига кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, Р. Батлер, Б. Берман, Ф. Котлер, Т. Левитт, Ж. Ламбен, Дж. Эванс илмий ишлари бағишланган. Компанияларнинг маркетинг стратегияси ва уларни бошқаришнинг назарий асослари И. Ансофф, Х. Виссема, Р. Каплан, К. Кристенсен, М. Портер, А. Томпсон, Дж. Самплер каби олимлар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан компаниялар, хусусан, нефт ва газ компаниялари стратегиясини шакллантиришнинг назарий асослари С.Алафинов, О.Еромолов, В.Ефремов, К.Моловидов, В.Ремизов, Л. Чугуновлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари ва корхоналарида маркетингнинг назарий, услубий ва амалий муаммолари С.Фуломов, Б.Ходиев, Г.Ахуиова, А. Бекмуродов, М. Болтабоев, Ж. Жалолов, Д. Қосимова, М. Насритдинова, А. Солиев, Д. Муҳиддинов, М. Юсупов, Ш.Эргашходжаева, О. Хайруллаев, Н.Холматов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Аммо Ўзбекистонда нефт ва газ қазиб олиш ва уни қайта ишлаш маркетинги услубияти ва усуллари борасидаги масалалар ҳали етарлича ўрганилмаган. Айниқса, Ўзбекистонда нефт ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг халқаро рақобат муҳитидаги стратегик мавқеилари масалалари тадқиқ этилмаган. Айнан шу жиҳат диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифалари доирасини белгилашга асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: миллий нефт ва газ тармоғининг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш бўйича илмий-услубий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар тадқиқотнинг вазифалари этиб белгиланди:

- жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида нефтгаз таъминоти тизими ривожининг асосий тенденцияларини тадқиқ этиш;
- жаҳон бозорида нефтгаз компанияларининг тутган ўрнини баҳолаш;
- Ўзбекистон нефтгаз қазиб олиш тармоғининг глобал тизимда тутган

Ўрнини таҳлил этиш;

- нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;
- нефтгаз ишлаб чиқарувчи корхоналар ривожининг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси фаолиятини таҳлил қилиш ва истикболларини прогностлаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси (МХК) ва унинг таркибига қирувчи корхоналар танланган. Тадқиқот предмети бўлиб, республикамиз нефт ва газ тармоғи корхоналари халқаро маркетинг стратегияларини шакллантириш тамойиллари, усуллари ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли, иқтисодий ва статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш, гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Ўзбекистон нефтгаз қазиб олиш тармоғининг глобал тизимдаги ривожланиши ва унга таъсир қилувчи омиллар тизими;
- нефтгаз ишлаб чиқарувчи компаниялар имкониятларини баҳолаш услублари;
- нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар;
- нефтгаз ишлаб чиқарувчи корхоналар ривожини бўйича халқаро маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг услубий асослари;
- глобал тизимда Ўзбекистон нефтгаз қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Илмий янгилиги. Жаҳонда нефтгаз қазиб олиш бозорида юқори даражадаги рақобат муҳитида республикамиз нефтгаз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш юзасидан илмий-услубий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан:

- жаҳондаги нефтгаз маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг, истеъмол ҳажмларининг ўзгариш тенденциялари аниқланган;
- Ўзбекистон нефтгаз қазиб олиш тармоғининг глобал тизимдаги ўрни ва унинг салоҳияти баҳоланган;
- вертикал-интеграллашган нефт компаниялари рақобатбардошлигини мустаҳкамлашнинг зарурий омиллари аниқланган;
- хорижий компаниялар стратегик устунликларининг асосий тенденциялари очиб берилган;
- маркетинг стратегиясини шакллантиришда нефтгаз компаниялари ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар асосланган;
- SWOT-таҳлилга асосланиб, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси

стратегик устуворлик матрицаси таклиф этилган;

- глобал тизимда Ўзбекистон нефтгаз казиб олиш ҳамда қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган;

- “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ривожининг ракобат стратегиясини шакллантириш йўналишлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикаміздаги нефт ва газ ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг халқаро бозордаги маъқеени мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда тавсия қилинган SWOT-таҳлилга асосланган нефтгаз компанияси стратегик устуворлик матрицаси, ракобат харитаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бошқа соҳа ва тармоқларида ҳам муваффақиятли қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-назарий ғоялари ва тавсияларидан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртлирида “Маркетинг”, “Менежмент”, “Корхона иқтисодиёти” каби фанлар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижалари ва хулосалари “Ўзбекнефтгаз” МХКси (№5,25.03.10–сонли далолатнома), ЎзбекнефтгазЛИТИ (№126,19.04.10- сонли далолатнома) амалий фаолиятига ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (№02-500, 10.02.10-сонли маълумотнома) ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари бўйича “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга сояиш” (Тошкент, ТДИУ, 2007), “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти” (Тошкент, ТДИУ, 2008), “Баркамол авлод - илмий тадқиқотнинг интеллектуал бойлиги” (Тошкент,ТДИУ,2010) мавзуларидаги республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарларида муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича 1,5 б.т. ҳажмида 5 та илмий мақола ва маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 145 бетдан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти баён этилган.

Диссертациянинг “Жаҳонда нефт ва газни казиб олиш ҳамда қайта ишлаш тармоқлари ривожланишининг асосий тенденциялари” деб номланган биринчи бобида жаҳонда нефт ва газ маҳсулотларига талаб ва тақлиф ҳолати, нефт ва газ таъминотида ҳудудий интеграллашув жараёни ҳамда Марказий Осиёнинг углеводород ресурсларига булган эҳтиёжлари ёритилган.

Диссертациянинг “Нефтгаз тармоғида халқаро рақобат маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи бобида узок муддатли стратегик мақсадларни шакллантиришнинг услубий асослари, нефтгаз ишлаб чиқарувчи компанияларнинг муайян имкониятларини баҳолаш услублари ва “Ўзбекнефтгаз” МХК ривожининг халқаро рақобат маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари баён этилган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда нефтгаз тармоғини устувор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобида глобал тизимда нефтгаз казиб олиш ҳамда қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда “Ўзбекнефтгаз” МХК ривожининг рақобат стратегиясини шакллантириш йўллари тақомиллаштириш масалалари ёритиб берилган.

Илмий ишнинг якуний қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, хулоса ва тақлифлар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичида катта ер ости қазилма бойликларига эга булган давлатлардан бири ҳисобланади. Улар таркибига олтин, нефт, газ, қўмир, уран, мис, волфрам ва шу каби бошқа минерал – хом ашё ресурслари киради. Ана шу фойдали қазилмалар давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, балки аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш мақсадларига ҳам хизмат қилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “... мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефт-кимё, кимё саноати,...тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш”³ зарур.

Шуларни инобатга олганда мамлакатимиз нефт ва газ тармоқларини ривожлантириш, ушбу соҳадаги жаҳон амалиётида тўпланган тажрибаларни ва истиқболда халқаро нефт ва газ бозоридаги рақобат муҳити ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда жаҳонда

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ваганимиз тараққиётни ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.59–60.

нефт ва газ маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф, уларни қазиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб беришни ташкил этиш, бошқариш ҳамда тартибга солиш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолияти механизмлари таҳлил қилинган.

XX асрнинг 70-йилларигача нефт бозори жаҳон савдосида ўта монопол қиёфа касб этганлиги билан тавсифланади. Унда ҳукмронлик ролини вертикал интеграллаштирилган еттигачи трансмилий компания (ТМК) уйнаган. Улар ўтган асрнинг 30-йиллари бошларида шаклланган бўлиб, Халқаро нефт картелига бирлаштирилган. У американинг бешта компаниясини: Standard Oil Co. of New Jersey (1973 йилдан - Exxon Corp.), Socony Vacuum Oil Co. (Mobil Oil Corp.), Standard Oil Co. of California (1981 йилдан - Chevron Corp.), Gulf, Texaco; англиянинг - Anglo-Persian Oil Co. (1950 йиллар бошларидан - British Petroleum Co.) ва Royal Dutch/Shell инглиз-голландия компанияларини ўз ичига олган⁴. Бу каби йирик нефт компаниялари фаолиятининг рақобатда устунлиги асосан уларнинг жаҳон нефт ва нефт маҳсулотлари бозорида монопол мавқеига эгаллиги билан тавсифланади.

Халқаро нефт картели иштирокчилари ўз мамлакатлари ёрдамида нефт қазиб олувчи ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлмаган шартномаларни тузиб келганлар. Монопол компаниялар нефтни асосан концессион битишувлар орқали олиб, ўз бўлинмаларига (экспорт умумий ҳажмининг 70 фоизга яқинини) ёки нефт қайта ишловчи мустақил компанияларга узок муддатли контракт асосида экспорт қилганлар⁵.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошларигача халқаро нефт картели ҳиссасига бозор иқтисодиёти мамлакатлари бўйича нефт захираларининг 70 фоизи, қазиб олишнинг 60 фоиздан юқориси ва қайта ишлов берилган ҳамда сотилганининг 50 фоиздан кўпроги тўғри келган⁶.

Нефт нархидаги жиддий тебранишлар рўй бериши халқаро нефт савдосида хавф-хатарни бошқариш механизмини киритиш заруратини келтириб чиқарди. Бу эса, нефт бозорида молиявий бозор менежери, у билан биргаликда хавф-хатарни бошқариш техниклари – молиявий бозорда қўлланиладиган ҳамда техниклар – қимматбаҳо қоғозлар бозорида биржа жараёнларида иштирок этадиган мутахассислар пайдо бўлишига олиб келди⁷. Нефт компаниялари ва нефт бозори иштирокчилари қарамоғида бу каби ташкилий тузилма элементларининг қанчалик кўп бўлишиги унинг таркибий бошқарув тузилмаси мураккаблигини келтириб чиқаради⁸. Натижада ўтган асрнинг 80-

⁴Арбагов А. А. Обострение сырьевой проблемы и международные отношения – М.: Международные отношения, 1981. – 224 с.

⁵Конопляник А. Эволюция структуры нефтяного рынка // Нефть России. – 2000. – № 4. – С. 17-26.

⁶Ергин Д. Добыча: Всемирная история борьбы за нефть, деньги и власть – М.: «ДеНово», 1999. – 968 с.

⁷Хайруллаев О. И. Нефт ва газни қайта ишлаш тармоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш. И. ф. н. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 133 б.

⁸Конопляник А. Тенденции развития мирового нефтяного рынка и проблемы нормализации международной торговли жидким топливом. // Серия: конъюнктурные исследования и конъюнктурно-экономическая информация в нефтяной промышленности. – М.: ВНИИОЭНГ, 1998. – С. 51.

йиллари охирларида нефт ва нефт маҳсулотлари биржа савдосининг жаҳон тизими шаклланиши рўй берди. Бу тизимда йирик учта марказ 24 соатлик режимда (Нью-Йорк - Нутех, Лондон – IPE, Сингапур - SIMEX) хизмат қилади⁹. Жаҳон нефт бозорида нисбатан устунлик нақд нефт билан савдо қилиш бозоридан нисбатан устунлик “молиявий” (тезкор нефт контрактлари билан савдо) бозор турига алмашилиб борди¹⁰.

Ушбу ҳолатлар ҳамда халқаро товар (хизмат)лар бозорида аввал мавжуд бўлган қатор чеклашларнинг олиб ташланиши жаҳон нефт ва газ таъминоти тизими глобаллашувида ҳамда компаниялар хўжалик фаолияти эркинлашувида муҳим омил ҳисобланди. Шу боис ривожланаётган кўплаб мамлакатларда нефт маҳсулотини қазиб олиш, сотиш ва нархини белгилаш устидан назорат вазифаси аста-секин ОПЕК тасарруфига ўтди, халқаро нефт савдосида шакл ва усуллар ўзгариши рўй берди ва бу нисбатан рақобат бозори таркибий тузилмаси шаклланишига олиб келди. Концессия келишувлар ўрнига қазиб олиш (шу жумладан, кўшма корхоналар ташкил этиш) ва маҳсулотни тақсимлаш бўйича келишувлар қўлланила бошланди¹¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, нефт маҳсулотларини қазиб олишда Саудия Арабистони асосий ўринни эгаллайди. Кунига 9,55 млн. баррел микдоридан нефт ва конденсат қазиб олаётган бу мамлакат жаҳонда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда 13,3 фоизлик улушга эга. Саудия Арабистонидан кейинги ўринда Россия Федерацияси туради. Кунига 9,04 млн. баррел нефт ва конденсат ишлаб чиқараётган бу мамлакат жаҳонда 12,6 фоизлик улушга эга. Нефт ва конденсат қазиб олишда АҚШ ҳам етакчилардан бири саналади. Бу давлат кунига 5,18 млн. баррел нефт ва конденсат ишлаб чиқаради. Осиё минтақасида Эрон кунига 4,14 млн. баррел нефт ва конденсат қазиб олади. Умуман, дунё бўйича энг кўп нефт захирасига эга бўлган 20 та давлат мавжуд. Уларнинг 11таси ОПЕКга аъзо давлатлар саналиб, улар хиссасига мавжуд нефт захирасининг 65 фоизи тўғри келади.

2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, дунё минтақалари бўйича нефт маҳсулотлари захираси 1317 млрд.баррел атрофида баҳоланиб, унинг 900 млрд баррелга яқини айнан ОПЕК мамлакатларида жойлашган (1-расм).


Таҳлиллар шуни кўрсатадики, нефт захирасининг энг катта қисми Яқин Шарқ минтақасида жойлашган ва у 739 млрд. баррелни ташкил этади. Шимолий Америка минтақаси (Канада ҳамда АҚШ) мамлакатларидаги нефт захираси 213 млрд. баррел ҳажмида баҳоланган.

Диссертацияда жаҳон мамлакатларида табиий газ қазиб олиш ва унинг истеъмоли даражаси баҳоланган.

⁹ <http://jabon.mfa.uz>.

¹⁰ Ахунова М. Э. Оптимизация перевозок светлых нефтепродуктов транспортным комплексом Узбекистана. Дис. ... к.э.н. – Уфа, 1999. – 143 с.

¹¹ Каррива Е. Узбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. И.ф.д. ... дис. автореферати. – Ташкент, 2004. – 44 б.



1-расм. Жаҳонда минтақалар бўйича нефт захиралари жойлашиши¹², млрд. баррел

Таҳлиллар кўрсатишича, ИЕОнинг 2009 йилдаги маълумотларига кўра, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)га аъзо бўлмаган мамлакатларда, унга аъзо бўлган мамлакатларга нисбатан табиий газ истеъмоли ҳажми келгусида икки бараварга ошиши мумкин. Дунё бўйича табиий газ истеъмоли ҳажми 2004 йилдаги 100 трлн. куб футдан 2030 йилгача 163 трлн. куб футгача ошиши кутилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларда 2004 йилда табиий газнинг истеъмол даражаси дунё бўйича барча истеъмол қилинган табиий газ умумий ҳажмининг 52 фоизини, ишлаб чиқарилган табиий газ ҳажми эса 40 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар 2030 йилга мос равишда 43 ва 27 фоизни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

ИХРТга аъзо бўлмаган Европа ва Евроосиё мамлакатларида 2004 йилда табиий газ истеъмоли дунё бўйича истеъмолнинг 25 фоизини, ИХРТга аъзо бўлмаган бошқа минтақа мамлакатларида ҳам 25 фоизини ташкил этган. ИХРТга аъзо бўлмаган мамлакатларда табиий газ истеъмоли ҳажми йилига 2,6 фоизга ўсиши кутилади (2-расм).

ИХРТга аъзо бўлган мамлакатларда 2004 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 39,9 трлн. куб футга етди. Бу кўрсаткич жаҳон бўйича истеъмолнинг 40,5 фоизини ташкил этади. ИХРТга аъзо бўлган мамлакатлар орасида Шимолий Америка минтақаси мамлакатлари бу борада етакчи ўринни эгаллайди.

¹² Манба: IEO 2009: Energy Information Administration, International Energy Outlook 2007, DOE/EIA-0484(2009) (Washington, DC, May 2007), (www.eia.doe.gov/otaf/ieo).



2-расм. Жаҳон мамлакатларида табиий газ истеъмоли прогнозлари, (трлн. куб фут)¹³

Уларда 2004 йилда табиий газ қазиб олиш ҳажми 26,9 трлн. куб футни ташкил этган. Тарихан АҚШ ушбу минтақада энг йирик табиий газ ишлаб чиқарувчи ва уни истеъмоли қилувчи мамлакат бўлиб келган. 2004 йилда ушбу мамлакатда 19,0 трлн. куб фут табиий газ қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткични 2030 йилга бориб, 20,7 трлн. куб футга етказиш режалаштирилган. Мамлакатнинг кўпласи конларида табиий газ ноанъанавий усулда қазиб олинади.

ИХРТга аъзо бўлган мамлакатларнинг Осиё минтақасидаги Австралия/Янги Зеландия ҳудудлари табиий газ қазиб олишни келгусида ошириб боришда етакчи ўринни эгаллаши прогноз қилинмоқда. Ушбу ҳудудда 2004 йилда 1,5 трлн. куб фут табиий газ қазиб олинган бўлса, бу кўрсаткич йилига ўртача 4,3 фоиздан оширилиб борилиб, 2030 йилда 4,6 трлн. куб футга етказилади. ИХРТга аъзо бўлмаган давлатларда 2004 йилда 58,9 трлн. куб фут табиий газ қазиб олиниб, жаҳонда қазиб олинган табиий газнинг 59,5 фоизини ташкил этган. Бу тузилмада Европа ва Евроосиё минтақаси етакчилик қилиб, улар томонидан табиий газ 2004 йилда 28,6 трлн. куб фут миқдоридан қазиб олинган. Унинг таркибида Россия асосий ўринни эгаллайди. 2004 йилда 22,4 трлн. куб фут ҳажмида табиий газ қазиб олинган ушбу мамлакат кенг миқёсдаги газ ташиш қувурлари тизимига ҳам эга. Европага етказиб берилаётган табиий газнинг асосий қисми Россия томонидан амалга оширилмоқда.

Яқин Шарқ минтақаси ҳам табиий газ ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ушбу минтақада Атлантика ва Тинч океанлари ҳавзаси мамлакатларига табиий газ экспорт қилинмоқда. 2005 йилда 15 фоиз табиий газ Шимолий Америка ва Европага, 85 фоизи эса Осиёга экспорт қилинган.

Африка ва ИХРТга аъзо бўлмаган Осиё давлатлари (Хитой ва

¹³Манба: www.eia.doc.gov/oia/figs. 2004-ҳақиқатда.

Хиндистондан ташқари) келгусида табиий газ қазиб олишда асосий минтакалардан бири бўлиши прогноз қилинмоқда. Ушбу минтақада 2030 йилда 2004 йилдагига нисбатан қарийб 10 трлн. куб футдан кўп табиий газ қазиб олиш режалаштирилган. Икки минтақа бугунги кунда бирлаштирилган ва 2004 йилда уларнинг жаҳонда табиий газ қазиб олишдаги улуши умумий ҳажмда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2030 йилда 21 фоиз бўлиши кутилмоқда. Улар томонидан қазиб олинаётган табиий газнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. 2004 йилда ИХРТга аъзо бўлмаган Осиё давлатларида қазиб олинган табиий газнинг 26 фоизи (асосан, Брунейдан, Индонезиядан, Малайзиядан ва Бирмадан) ва Африка мамлакатларида 50 фоизи экспорт қилинган. Келгусида эса, ИХРТга аъзо бўлмаган мамлакатлар ўз экспорт ҳажмларини 10 фоизгача қисқартиришни мўлжаллашмоқда. Бунга уларнинг ички истеъмоли ҳажмининг ортиши сабаб деб кўрсатилмоқда.

Юқоридаги тахлиллар шундан далолат берадики, дунё мамлакатларида нефт ва газ ишлаб чиқариш, сотиш ёки истеъмол қилиш мунтазам ўсиб бориш тенденцияларига эга. Бунга ундовчи асосий омил энг аввало экспорт қилувчи давлатлар учун даромадларини ошириш бўлса, истеъмолчи мамлакатлар учун эса миллий иқтисодиётни ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон учун нефт ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш мажмуасини ички истеъмол ва экспорт талабларига мос стратегияни асослаш талаб этилади. Шуларни инобатга олиб, диссертацияда мамлакатимиз нефт ва газ тармоқларининг ривожланиш босқичлари, бошқариш тузилмаси ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ҳозирги ҳолатлари ўрганилган.

Ўзбекистонда нефт ва газ қазиб олиш, уларни қайта ишлаш тармоғининг жадал ривожланиши мустақиллик йилларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1992 йилда ушбу тармоқларни ривожлантириш учун урта стратегик вазифани белгилаб берди:

1) Республика нефт мустақиллигига эришиши учун нефт ва газ конденсати қазиб олишни кескин кўпайтириш;

2) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон стандартлари даражасига етказиш мақсадида нефт ва газни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини чуқурлаштириш;

3) Ўзбекистон нефт ва газ тармоғининг ишончли хом ашё базасини таъминлаш учун янги конларни очиш йўли билан углеводородни ва биринчи навбатда унинг суюқ захираларини кўпайтириш.

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар ҳар йили четдан ўртача 6 млн. тонна нефт келтирган Ўзбекистон ана шу вазифаларни изчил амалга оширилиши туфайли 1995 йилдан тарихда илк бор нефт маҳсулотлари мустақиллигини қўлга киритди.

Мамлакатда нефтгаз мажмуасини жадал суръатлар билан ривожлантириш доимий равишда ислохотларнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Бу

Ўзбекистоннинг ёнилғи мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро иктисодиётга интеграллашувини жадаллаштириш имконини беради.

Ўзбекистонда нефт ва газ мажмуасини бошқаришни бозор муносабатлари талабларига мослаштириш учун Республика Президентининг Фармониغا мувофиқ 1992 йилда “Ўзбекнефтгаз” концерни тузилди. Кейинчалик у республика нефт ва газ саноати миллий корпорациясига айлантирилди. 1998 йилда миллий корпорация негизида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ташкил этилди. Холдингнинг Низом жамғармаси hozirgi вақтда 1,555 млрд. АҚШ долларидан ошди. “Ўзбекнефтгаз” МХК маълумотларига кўра, компания йилига 60 млрд. куб метр газ ва 7,5 млн. тонна суюқ углеводород казиб олинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги “Нефт ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни казиб чиқаришда бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тармоқни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг нефт ва газ салоҳияти асосини Қашқадарё вилояти ташкил этади. Республика нефт захирасининг 70 ва газ захираларининг 71 фоизи ушбу вилоят улушига тўғри келади. Вилоятда энг йирик газ ва конденсат захиралари Шўртанда жойлашган. Қашқадарёда республика бўйича казиб олинаётган нефтнинг 89,7 фоизи, газнинг 96,2 фоизи, конденсатнинг 96,6 фоизи, олтингугуртнинг барча қисми ишлаб чиқарилади. Шўртан газ-кимё мажмуаси – полиэтилен, суюлтирилган газ, енгил конденсат, сульфат ва товар газини ишлаб чиқаради.

Нефт ва газ конденсатини қайта ишлаш нефтни қайта ишлаб берадиган икки корхонада – Бухоро ва Фарғона заводларида амалга оширилади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эса жаҳон стандартлари талаблари даражасида йилига 2,5 млн. тонна газ конденсатини қайта ишлаш йўли билан юқори сифатли автобензин, дизель ёнилғиси ва авиакеросин ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу заводнинг лойиҳа қуввати 11,2 млн. тоннани ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 202та углеводород хом ашё конлари очилган бўлиб, шулардан 50 фоиз конларда ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда, 35 фоизи - ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган, қолганларида эса қидирув ишлари олиб борилмоқда. Республикада тайёрланган истиқболли ресурслар жамғармасига 76 та нефт ва 90 та газ майдони киради.

Ўзбекистон Республикаси тармоқланган ва юқори қувватли магистрал газ узатиш тизимига эга давлат ҳисобланади. Магистрал газ қувурлари умумий узунлиги 13 минг километрдан ортиқ. Ушбу тизим бўйича Ўзбекистон табиий гази ички истеъмолчиларга узатилиши билан биргаликда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилинади. Шунингдек, Туркменистон транзит гази билан Шимол йўналишида ҳам газини узатиш амалга оширилади.

Мамлакатимизда мавжуд нефт ва газ мажмуаси салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш, “Ўзбекнефтгаз” МХК ва унинг таркибига кирувчи компаниялар кенг миқёсда экспортга йўналтирилганлик сиёсатини амалга оширишни талаб этади. Бу халқаро маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Шунини инобатга олиб, диссертацияда халқаро маркетинг моҳияти, шакллари, тамойиллари ва омиллари тадқиқ этилган.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, нефтгаз қазиб олувчи ва уни қайта ишловчи компаниялар учун стратегик омилларни инобатга олиш зарур (1-жадвал).

1-жадвал

Нефтгаз қазиб олувчи ва унга қайта ишлов берувчи компаниялар учун энг муҳим ишлаб чиқариш тизими омиллари*

Омиллар
Компания (минтақа, тармоқ) ресурс базасининг ҳолати
Компания ишлаб чиқариш қуввати ва унинг самарадорлиги
Компания молиявий ресурслари билан таъминланганлик даражаси
Компания технологик ривожланиш даражаси
Энергоресурслар нархи ўзгариши (жаҳон ва ички бозорда)
Компания фаолият юритаётган жўзрофий минтақа тавсифи (истеъмолчилардан узоқлиги, транспорт инфратузилмаси, иқтисодий инфратузилма ривожини)
Давлат сиёсати
Тармоқдаги рақобат даражаси ва шу қабилар

*Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

Ушбу омиллар бир бири билан боғлиқ ҳолда компаниянинг маркетинг стратегиясини шакллантиришда, биринчи навбатда қўйилган хавф-хатар, кучли ва заиф томонларини ҳамда рақобат муҳитини баҳолаш имкониятини беради.

Маълумки, стратегик қарорлар тизимли ёндашув асосида аниқланади. Шу боисдан аниқ стратегияни ишлаб чиқишнинг услубий асосини шакллантириш учун ишлаб чиқариш-иқтисодий тизим сифатида нефтгаз қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан шуғулланувчи компаниялар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш ва тавсифлаш талаб этилади.

Нефтгаз қазиб олиш ва уни қайта ишлаш тармоғи бутунлигича ўзида мураккаб ҳўжалик мажмуасини мужассамлаштиради. Мажмуа қўйидаги тизимлардан ташкил топади: захираларни излаб топиш ва тайёрлаш, нефтгазни қазиб олиш ҳамда уни истеъмолчига етказиб бериш. Ушбу тизимлар ўзига хос ажралиб турадиган белгиларга эга бўлиб, буларни эса иқтисодий таҳлилда, албатта, ҳисобга олиш зарур.

Диссертацияда юқоридагилардан келиб чиқиб, айрим давлатлар нефт компанияларининг муҳим стратегик устунликлари тадқиқ этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Хорижий давлатлар нефт компанияларининг стратегик устунликлари*

Компания (мамлакат)	Эълон қилган миссияси ёхуд комплекс мақсадлари
Statoil (Норвегия)	1. Нефт ва нефт маҳсулотларини қазиб олиш, қайта ишлаш, транспортровка қилиш ва сотиш ҳажмини кенгайтириш 2. Норвегия континентал шельфини ўзлаштириш ва ундан фойдаланишда давлат молнийвий қизиқишларини таъминлаш
Petrobras (Бразилия)	1. Компания географик экспансиясини, жумладан жаҳон бозоридагисини ҳам кенгайтириш 2. Рентабелликни ошириш 3. Маҳсулот сифатини ва захираларни ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш
Petroleos de Venezuela (PDVSA) (Венесуэла)	1. Ўз маблағлари ва ҳамкорлик асосида углеводород ҳам ашёси қазиб олишни кенгайтириш 2. Нефт ва газ қазиб олишнинг мавжуд технологик жараёнини муқобиллаштириш 3. Хориж инвесторлари иштирокида ҳамкорлик лойиҳалари қўламини кенгайтириш 4. Газ қазиб олишни ошириш 5. «Миллий ривожланиш»ни молиялаш 6. Экологик муаммоларга эътиборни қаратиш

*www.iea.org сайти маълумотларига асосланиб, муаллиф томонидан тузилган.

Жаҳонда йирик нефт компанияларидан бири саналган Statoil компанияси ўзининг ташкилий тузилмаси бўйича вертикал-интеграллашган нефт компанияси ҳисобланади ва нефт бизнесининг барча бўғинларида – қудуқдан тортиб, бензин сотиш шохобчасигача – 20 дан ортиқ давлат ҳудудида фаолият юритади.

Қазиб олувчи мамлакатларда миллий компаниялар ўртасида Petroleos de Venezuela S.A. (PDVSA) ажралиб туради. Унинг стратегияси тижорат тамойилига асосланган. Ушбу компания дунёдаги йирик компаниялар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширади.

Бугунги кунда “Ўзбекнефтгаз” МХКси хориж инвестициясини асосан технологияни такомиллаштиришга жалб этганлиги боис, нисбатан яхши ишлаб чиқариш қувватига ҳамда кенг миқёсдаги бой нефт ва табиий газ захирасига эга бўлса-да, у хориж вертикал интеграллашган нефт компаниялари билан капитализация бўйича етарлича рақобатлаша олмайди.

“Ўзбекнефтгаз” МХК давлат мулкани хусусийлаштириш орқали ташкил этилган. Шу боис у жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлиши учун узоқ муддатга мўлжалланган корпоратив стратегияга эга бўлиши талаб этилади. Шуни инобатга олиб, диссертацияда “Ўзбекнефтгаз” МХК муайян

имкониятларини таҳлил қилишда унинг рақобатбардошлигини баҳолаш лозим деб топилган.

Муаллиф фикрича, товар ва корхона рақобатбардошлигини баҳолаш усулларини икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни: таҳлилий ва график усуллар. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда нефт ва газ компанияларида рақобатбардошликни баҳолаш усуллари туркумлаштирилган ва уларни амалда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Нефтгаз компаниясида рақобатбардошликни баҳолаш усуллари¹⁴

Мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам фаолият олиб борувчи компаниялар учун халқаро рақобатбардошлик муҳим аҳамият касб этади. Бу каби компаниялар рақобатбардошлигини баҳолашда уларнинг маҳсулоти, компаниянинг ўзи ва жойлашган мамлакати каби омилларни ҳисобга олиш зарур.

Муаллиф фикрича, нефтгаз компаниялари ўзларининг устунлигини баҳолаш учун тармоқ глобаллашуви даражасини ҳисобга олиши зарур. Маҳсулотга талабнинг бир хиллиги, халқаро меҳнат тақсимотидан

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

фойдаланиш, ишлаб чиқариш кўламида самара, халқаро альянслар, қўшилиш ва ютиб юбориш, ушбу даражани тавсифловчи омиллар ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда халқаро бозорларда компаниялар рақобатбардошлиги давлат томонидан бериладиган имтиёзлар, кредитлар, субсидиялар, бозор ҳақида зарурий маълумотлар билан таъминлаш даражасига ҳам боғлиқ.

“Ўзбекнефтгаз” МХКнинг халқаро рақобатбардошлигини баҳолаш учун тадқиқотда мавжуд рақобатбардошликни баҳолаш усуллари ўрганиб чиқилди ва натижада рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичи ҳамда корхона рақобатбардошлиги кўпбурчаги усули таклиф этилди. Ушбу усулни қўллаш нафақат маҳсулот, балки хом ашё, уни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ компания рақобатбардошлигини мажмуий биргаликда баҳолаш имконини беради. Нефтгаз қазиб олиш ва уни қайта ишловчи компаниялар фаолиятини баҳолашда бир қатор қўшимча кўрсаткичлар танлаб олинди. Улар 10 балли тизимда (1 – паст баҳо, 10 – юқори баҳо) баҳоланди. Ҳар бир кўрсаткични баҳолашда баллар белгиланиши эксперт усули ёрдамида амалга оширилди.

Олинган маълумотларга қайта ишлов беришда “эксперт-омил” матрицаси тузилди ва ҳар бир омил (кўрсаткич)нинг нисбий муҳимлиги ҳисобланди. Олинган натижалар аниқлик даражасини баҳолашда экспертлар мулоҳазаларининг муштараклиги конкордация коэффициенти, унинг тасодикий эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун χ^2 мезонидан фойдаланилди.

Диссертацияда нефт ва газни қайта ишлаш билан шугулланувчи компанияларнинг тугган ўрни ва рақобатбардошлигини баҳолашда қуйидаги омиллар ҳамда кўрсаткичлардан фойдаланилди:

1. Ишлов бериш кўлами. Ушбу омилни баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди: ишлов бериш ҳажми; ишлов бериш ҳажмининг ўсиш суръати; қувватлар юкланиши даражаси. 2. Нефт ва газга дастлабки ишлов бериш қуввати – компания ишлаб чиқариш салоҳияти тавсифи ҳисобланади. 3. Нефт ва газга қайта ишлов бериш чуқурлиги. 4. Қайта ишлаш технологик даражаси – компания нефт ва газни қайта ишлаш технологияси ривожланиш даражасини тавсифлайди. Ушбу омил қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади: оч рангдаги нефт маҳсулотлари улуши; юқори октанга эга бўлган бензин улуши; дизел ёнилғиси улуши. 5. Сотиш харажатлари.

Ушбу жараёнда компаниялар рақобатбардошлиги харитаси тузилди. Биринчи босқичда ташкил этувчи мезонларни ўз ичига олган шаклни тўлдириш – экспертлар ёрдамида 10 балли тизимда муҳимлиги бўйича аниқланди. Шундан сўнг улар томонидан мезонларни муҳимлик даражаси бўйича тақсимлаш амалга оширилди.

Рақобат харитасидаги барча кўрсаткичлар балл орқали баҳоланганидан сўнг қўшимча ташкил этувчи кўрсаткичлар, ундан кейин улар ёрдамида ҳар бир компания рақобатбардошлигининг мажмуий интеграл баҳоси ҳисобланди.

Диссертацияда нефтни казиб олиш ва уни қайта ишлаш компаниялари рақобатбардошлигини баҳолаш натижалари бўйича “Ўзбекнефтгаз” МХК, ЛУКОЙЛ ҳамда Роснефть компаниялари рақобат мавқеиларини таққослаш амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

Нефт казиб олиш ва сотиш кўрсаткичлари бўйича нефтгаз компаниялари рақобат харитаси*

Омиллар	Омил салмоғи	Компаниялар		
		Ўзбекнефтгаз	Лукойл	Роснефть
Комплекс баҳо	1	4,46	7,66	4,87
1. Нефт захираси	0,15	4,75	6,75	4,5
АВС 1 тоифасидаги нефт захираси	0,1	2	10	1
Захира билан таъминлаш	0,1	4	3	3
Захиралар сифати	0,3	6	6	4
Нефт сифати	0,5	7	8	10
2. Қазиб олиш куввати	0,2	6,5	8,8	6
Кудуклардан фойдаланиш фонди	0,4	6	10	2
Ишловчи кудуклар фонди	0,6	7	8	10
3. Нефт казиб олиш	0,2	5	6	4
Нефт казиб олиш ҳажми	0,5	4	10	3
Нефт казиб олиш динамикаси	0,2	6	3	6
Ҳаракатдаги кудуклар ўртача дебити	0,7	5	5	3
4. Таннарх	0,15	5	7	4
5. Нефт сотиш	0,2	3	9,4	4,1
Жаҳон бозорида қатнашиши	0,6	3	10	5
Қайта ишловга бериладиган нефт улуши	0,4	3	8	2
Сотиш харажатлари	0,1	2,5	8	6,6
Денгиз портлари орқали экспорт	0,6	3	10	9
Сотиш каналига яқинлиги	0,4	2	6	3

*Муаллиф томонидан экспертлар баҳоси маълумотлари асосида тузилган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нефтни қайта ишлаш соҳасида ҳам “Ўзбекнефтгаз” МХК рақобатчилари ўртасида учинчи ўринни эгаллайди (комплекс баҳо 3,33 баллга тенг). Бунда ҳам нефтни қайта ишлаш кўламининг нисбатан паст даражада эканлиги кузатилади, яъни ушбу компания балли – 4га тенг бўлган ҳолда Россиянинг ЛУКОЙЛ компанияси балли – 6,33га ва Роснефть компанияси балли – 4,67га тенг. Сотиш харажатлари рақобатчиларникига нисбатан анча юқоридир. Нефт захиралари бўйича

“Ўзбекнефтгаз” МХК рақобатда устуңлигини таъминлаш учун нефтни казиб олишда юкори ишлаб чиқариш ва сотиш салоҳиятига эга бўлиши лозим.

Аммо, компанияда нефтни казиб олиш ва уни сотиш бўйича узок муддатли рақобатни тавсифлайдиган кўплаб кўрсаткичлар бўйича ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлар мавжуддир. Шу билан бир вақтда нефтни казиб олиш ҳажмининг нисбий пастлиги мавжуд ишлаб чиқариш кувватларидан самарали фойдаланилмаётганликни кўрсатади. Нефт казиб олиш ҳажмига салбий таъсир қилган омиллардан бири ҳаракатдаги қудуқлар ўртача дебити пастлиги саналиб, бу соҳага етарлича қўшимча инвестиция жалб этиш талаб этилади. Нефтни казиб олиш ва сотиш харажатлари бўйича ҳам “Ўзбекнефтгаз” МХК рақобатчиларидан анча паст даражада. Чунки, нефт маҳсулотларини сотишда тўғридан-тўғри денгиз портларига чиқиш имкониятларини чегараланганлиги боис, транспорт харажатлари ортиб кетади.

Таҳлилларга кўра, “Ўзбекнефтгаз” МХК бошқа рақобатчиларига қараганда нисбатан юкори мавқеини эгаллай олмаган. Бу эса, ўз навбатида МХКнинг келгусида янги рақобатда устуңлик томонларини излаб топиш муаммосини келтириб чиқаради. Бунинг учун “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг келгусидаги ривожланиши маркетинг стратегиясини шаклантириш ва компания имкониятларининг кучли ва ожиз томонларини ҳамда хавф-хатарлик даражаларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу илмий ишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган SWOT-таҳлил усулини қўллаш орқали амалга оширилди. Имкониятлар ва ташқи муҳит хавф-хатарларини таҳлил қилиш ўз ичига кундалик бозордаги ҳолатни, шунингдек, жаҳон ва ички бозор ривожланиши суръатлари ҳамда узок муддатли прогнозларни ўз ичига олади.

SWOT-таҳлилнинг биринчи босқичи натижаси имкониятлар ва хавф-хатарлар матричасини қуриш саналади. Матрица қаторлари воқеа содир бўлиш эҳтимолини, устуңлари эса воқеаларнинг компания рақобат мавқеига таъсир этиш даражасини кўрсатади. Матрицадаги тутган ўрнига кўра, ҳар бир омилга чапдан ўннга ва юкоридан пастга камайиб бориш тартибида “2” дан “-2” ораликда баллар қўйилиб, улар жойлаштирилди. Иккинчи босқичнинг таҳлили асоси сифатида тармоқ рақобат харитаси қуриш натижалари олинди.

Рақобат харитасини таҳлил қилиш натижалари асосий рақобатчилар ўртасида “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг юкори ва паст мавқеиларни аниқлаб берувчи кўрсаткичларни танилаб олиш имконини беради. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг компания фаолиятига таъсир қилиш доираси аниқланади. Бу эса, ўз навбатида Миллий ҳолдинг компаниясининг кучли ва ожиз томонларини аниқлаш имконини яратади.

Танланган омилларнинг компания рақобатбардошлигига таъсир этиш даражаси эксперт усулини қўллаш орқали баҳоланди. Таҳлилнинг иккинчи босқичи натижалари Миллий ҳолдинг компаниянинг кучли ва ожиз томонларини тавсифловчи матрицани қуриш имконини берди. Ҳар бир омилга уларнинг таъсир этиш даражасига биноан “1” ва “-1” ораликда баллар

белгиланди. Компаниянинг кучли ва ожиз томонларини тавсифловчи матрицани куришдан мақсад компания фаолиятини ташкил этишнинг устунлик ва камчилик томонларининг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш саналади.

Шунингдек, ушбу матрицани ташкил этувчи омилларнинг компания рақобатбардашлигига таъсир этиш даражасини ҳам аниқлаш мумкин. SWOT-таҳлилнинг учинчи боскичида олинган натижалар компаниянинг мавжуд бозор имкониятларидан фойдаланганлик даражасини ва ташки хавф-хатарлар таъсир доирасини камайтириш қобилиятини аниқлашга имкон беради. Имкониятлар ва хавф-хатарлар ҳамда кучли ва ожиз томонлар матрицалари ёрдамида компания стратегик ривожланиши маркетинг вариантларининг мантикий боғланиши келиб чиқади. Таҳлил натижаларига асосланиб, “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг маркетинг стратегик устуворлик матрицаси курилди (4-жадвал).

4-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” МХКнинг стратегик устуворлик матрицаси*

Стратегик йўл- йўриқлар		
Олий тоифада	Ўртача тоифада	Паст тоифада
1.Нефтни Ғарбий Европа, Хитой давлатларига етказиб бериш	1. Табиий газни МДХ ва Ғарбий Европа давлатларига етказиб бериш	1. Сикилган газни қўшни давлатларга етказиб бериш учун ишлаб чиқариш
2.Табиий газни Хитойга етказиб бериш	2. Компания фаолиятида кенг миқёсда маркетинг бошқарувини жорий қилиш	2.Компания пассив таркибий тузилмасини муқобиллаштириш
3.Афғонистон орқали Покистон ва Ҳиндистон худудларидан ўтган ҳолда Ҳинд океанига чиқиш	3. Компания нефтни қайта ишлаш корхоналари технологик даражасининг замонавийлигини таъминлаш	3.Сотиш харажатларини камайтириш
4.Стратегик ва инновацион режалаштириш тизимини ривожлантириш	4. Нефтни қазиб олиш, қайта ишлаш ва уни сотишда қувватлар бир-бирига мослигини таъминлашга эришиш	4.Энергетика бозори конъюнктураси билан боғлиқ молиявий хатар даражасини камайтириш
5.Маркетинг стратегиясини қўллаган ҳолда нефткимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгроқ йўлга қўйиш	5.Нефтни ташиш харажатларини камайтириш	5.Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш
6.Компанияга стратегик инвесторларни жалб этиш	6. Нефтни қазиб олиш, қайта ишлаш ва уни сотиш объектларни географик жиҳатдан муқобил жойлашишини таъминлаш	

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг келгусида рақобатда стратегик ҳаракатлари асосий йўналишлари аниқланди. Устуворлик бўйича ушбу йўналишлар қуйидаги тавсифларга эга деб топилди:

1. Олий тоифадаги стратегик йўл-йўрик (Холдинг бошқарув кенгаши доимий назорати, стратегик инвесторларни жалб этиш). Уни амалга ошириш учун барча ресурсларни жамлашни талаб этадиган стратегик имкониятлар.

2. Ўртача тоифадаги стратегик йўл-йўрик (Холдинг бошқарув кенгаши доимий назорати, ўз маблағлари манбалари ёки муқобил кредит ресурслари ҳисобига инвестицияларни жалб этиш).

3. Паст тоифадаги стратегик йўл-йўрик (ижрочи менежментнинг доимий назорати, Директорлар кенгашининг ҳисоботлари, фақат ўз маблағларидан фойдаланиш имконияти).

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида ўрганилаётган Миллий холдинг компанияси рақобатбардошлигини баҳолаш, SWOT-таҳлил натижаларига кўра имкониятлари ва ҳавф-хатарлари ҳамда кучли ва ожиз томонларини аниқлаш унинг келгусида ривожланишининг самарали рақобат маркетинг стратегиясини шакллантириш имконини беради. Ушбу стратегик устуворлик йўл-йўриқларидан фойдаланиш “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг рақобатда устунлигини таъминлайди.

ХУЛОСА

1. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёнида барча мамлакатлар иқтисодиёти асосини ташкил этувчи жаҳон энерготаъминоти тизими муҳим ўрин тутади. Охириги 140 йил оралиғида дунё миқёсида энергия истеъмоли ҳажмини мос равишда биомасса, кўмир ва нефт эгаллади. ИЕО ташкилотининг маълумотларига кўра, 2004 йилда жаҳон бўйича нефт ва бошқа маҳсулотлар истеъмоли кунига 83 млн. эквивалент тоннага тенг бўлган бўлса, 2015 йилда 97 млн. тоннани, 2030 йилда – 118 млн. тоннани ташкил этади. Яқин ўн йилликларда ёқилғи маҳсулотларига талаб ошиб бориши кузатилади.

2. Стратегик бошқарувга бағишланган кўплаб тадқиқотларни ўрганиш шу хулосага олиб келдики, ушбу тушунчанинг моҳияти ҳанузгача тўлалигича очиб берилмаган. Шунинг учун тадқиқот ишида уни изоҳлашга қуйидагича ёндашилди: “стратегик бошқариш –корхона узоқ муддат самарали фаолият юритишини таъминлайдиган, бу жараёнда ички ва ташқи омиллар таъсирида рўй берадиган муҳим ўзгаришларга мослашиш, ривожланиш ва салоҳияти бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишини самарали бошқаришга йўналтирилган тизимдир”.

3.Тадқиқот натижалари кўрсатишича, нефтгаз қазиб олиш ва уни қайта ишлаш тармоғи корхоналари фаолияти қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- табиий-жуғрофий (жойлашиш параметрлари, маҳсулот сифати, жуғрофий жойлашишда қулайлик, табиий шарт-шароит);
- ишлаб чиқариш (ташкил этиш самарадорлиги, техник-технологик янгиликлар);

- фаолият кўлами (юқори капитал сарфи, инвестициялаш жараёнида тенг бўлмаслик, айрим ишларнинг хавф-хатар даражаси);

- давлат сиёсати усул ва шакллари.

Санаб ўтилган омиллар гуруҳлари асосан маҳсулот таннархи даражасини аниқлайди.

4. Тадқиқотда компаниялар рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилди: меҳнат унумдорлиги, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси, инновация салоҳияти, бозор улуши, менежмент самараси, фирма имижини ва бошқалар.

5. Маркетинг амалиётида рақобатбардошликни аниқлаш мураккаб жараёнлардан бири саналади. Халқаро миқёсда фаолият юритадиган нефтгаз компаниялари рақобатбардошлигини баҳолашда айрим муҳим томонлар ҳисобга олинishi зарур. Шу боисдан, тадқиқотда нефт ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш билан шуғулланувчи компаниялар рақобатбардошлигини баҳолаш услуби ишлаб чиқилди.

6. Тадқиқотда “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси рақобатбардошлигини баҳолашда рақобат харитасини тузиш, шунингдек, SWOT-таҳлилни нефтгаз компаниялари фаолиятини баҳолашда қўллаш бўйича ёндашувлар амалга оширилди. Имкониятлар ва хавф-хатарлар аниқланганидан сўнг, рақобат харитаси маълумотларига таяниб, компаниянинг кучли ва ожиз томонлари баҳоланди. SWOT-таҳлил натижаларига асосланиб, “эҳтиёткорлик” тамойили бўйича “ўсиш стратегияси варианты – товар – бозор” халқаро маркетинг стратегияси тарикасида стратегик устуворлик матрицаси ишлаб чиқилди. Ушбу матрица стратегик йўл-йўриқларни ўз ичига олиб, “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг келгусида ривожланишини рақобатда устунлигини таъминлайди.

7. Тадқиқотда “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг узоқ муддатли рақобатни таъминлашда харажатларни камайтиришга қаратилган стратегик йўналиши қуйидагилардан иборат деб топилди:

- харажатларни бошқариш тизимини шакллантириш;

- ишлаб чиқаришда харажатларни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- нефт ва газни тайёрлаш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш;

- чиқитсиз технологияларни кенг миқёсда қўллаш.

8. Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий нефтгаз компанияларининг стратегик устунликларини шакллантиришнинг замонавий тенденцияларига қуйидагилар кирди:

- самарасиз конлардан воз кечиш;

- етарлича фойдаси юқори бўлган лойиҳаларга эътиборни қаратиш;

- газ лойиҳалари бўйича ишларни жадаллаштириш;

- молиявий ва инвестициявий фаолиятни кучайтириш;

- нефтгаз маҳсулотларининг сифати юкори бўлишлигини таъминлаш;
- компанияларни стратегик бошқаришнинг замонавий усулларига ўтиш;
- стратегик ўзгаришларни режалаштириш учун ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;
- халқаро маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш.

9. Муаллиф фикрича, нефтгаз компанияларининг халқаро рақобат бўйича маркетинг стратегиясини шакллантиришда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

- кўплаб компаниялар асосан жаҳон бозори катнашчилари бўлганлиги сабабли рақобат даражаси кескин тус олиши;
- бозор ҳудудлари ва янги конларни эгаллашда иштирокчи давлатлар ролининг ошиб бориши;
- глобаллашувда интеграциянинг кучайганлиги;
- экспорт учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот стандарт маҳсулот эканлиги;
- рақобатда устунлик кўпроқ қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишдаги харажатларга боғлиқлиги.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Парпиев Д.Б. Марказий Осиё худудий интеграцияси чуқурлашувида нефтгаз соҳасининг роли //“Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шартотида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами (2007 йил 25 май). –Т.: ТДИУ, 2007. - Б. 97-99.

2. Парпиев Д.Б. Нефтгаз ишлаб чиқарувчи компаниялари муайян имкониятларини баҳолаш услублари. // “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти.” Ёш олимларнинг илмий-амалий анжумани тезислар тўплами (2008 йил 31-май)–Т.: Иқтисодиёт, 2008. – Б. 4-5.

3. Парпиев Д.Б. Жаҳонда нефт маҳсулотларига талаб ва таклиф //Ж.Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. -№1. - Б. 160-164.

4. Парпиев Д.Б. Жаҳонда табиий газга талаб ва таклиф ҳолати //Ж.Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2008. -№2. - Б. 150-154.

5. Парпиев Д.Б. Нефтгаз компаниялари халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш // “Баркамол авлод-илмий тадқиқотнинг интеллектуал бойлиги”. Республика илмий-амалий анжуманининг тезислар тўплами. –Т.: Иқтисодиёт, 2010. - Б. 257-259.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Парпиев Дилшод Ботировичнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон Республикаснда нефт-газ қазиб чиқаришнинг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: нефтгаз компаниялари, нефт-газ қазиб олиш, халқаро маркетинг, маркетинг стратегияси, холдинг компанияси, рақобатбардошликни баҳолаш, рақобат харитаси, стратегик устуворлик матрицаси.

Тадқиқот объекти: тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: миллий нефт ва газ тармоғининг халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш ва уни амалга ошириш бўйича илмий-услубий тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тизимли иқтисодий ва статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш, маркетинг тадқиқоти усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Ўзбекистон нефтгаз тармоғининг глобал энергетика тизимидаги ўрни баҳоланган; вертикал-интеграциялашган миллий нефтгаз компаниялари рақобатбардошлигини мустаҳкамлашнинг зарурий омиллари аниқланган; нефтгаз компанияларининг маркетинг стратегиясини шакллантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар асосланган; нефтгаз компанияларининг кучли ва заиф томонларини таққослаш орқали уларнинг стратегик устуворлик матрицаси ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: диссертацияда тавсия қилинган SWOT –таҳлилга асосланган нефтгаз компанияси стратегик устуворлик матрицаси, рақобат харитаси услубий асослари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бошқа соҳа ва тармоқларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари ва хулосалари “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси амалиётига ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув жараёнида “Маркетинг” курсини ўқитишда татбиқ этилган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: нефт-газ ишлаб чиқарувчи компания ва корхоналар ривожланишини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда.

РЕЗЮМЕ

диссертации Парпиева Дилшода Ботировича на тему: “Формирование международной маркетинговой стратегии в добыче нефти и газа в Республике Узбекистан” на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – “Менеджмент и маркетинг”

Ключевые слова: нефтегазовые компании, добыча нефти и газа, международный маркетинг, маркетинговая стратегия, холдинговая компания, оценка конкурентоспособности, карта конкуренции, матрица стратегического преимущества.

Объекты исследования: объектом исследования является НХК «Узбекнефтегаз» и входящие в его состав предприятия.

Цель исследования: разработка научно-методических предложений и практических рекомендаций по формированию и реализации стратегии международного маркетинга в национальной нефтегазовой отрасли.

Методы исследования: методы системного, статистического и экономического анализа, экспертной оценки, монографического наблюдения, маркетингового исследования.

Полученные результаты и их новизна: оценено место нефтегазовой отрасли Узбекистана в глобальной энергетической системе; определены наиболее существенные факторы укрепления конкурентоспособности вертикально-интегрированных национальных нефтегазовых компаний; обоснованы факторы, учитываемые при формировании маркетинговой стратегии нефтегазовых компаний; разработана матрица стратегического превосходства нефтегазовых компаний с учетом сопоставления их сильных и слабых сторон.

Практическая значимость: рекомендованные в диссертации методические основы, карты конкуренции, матрицы стратегического преимущества нефтегазовой компании, основанные на SWOT-анализе, могут быть применены и в других отраслях и сферах экономики Республики Узбекистан.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные результаты и выводы исследования внедрены в практику деятельности НХК «Узбекнефтегаз», а также используются в учебном процессе в Ташкентском государственном экономическом университете в курсе «Маркетинг».

Область применения: при разработке маркетинговой стратегии управления развитием нефтегазовых добывающих компаний и предприятий.

RESUME

Thesis of Parpiyev Dilshod on the scientific degree competition of the doctor of the philosophy in economics on specialty 08.00.13 – Management and marketing on the subject “Forming international marketing strategy in Oil and gas extraction in Uzbekistan Republic”.

Key words: oil and gas companies, oil and gas extraction, international marketing, marketing strategy, holding company, competitive estimation, competition map, matrix strategy advantage.

Subjects of research: the subject of research is the National Holding Company “Uzbekneftgas”(Uzbek oil and gas) and all its companies.

Purpose of work: workout scientific and methodical offers and practical recommendations on forming and realizing the international marketing strategy in national oil and gas field.

Methods of research: statistic system method and economical analyzes, expert estimation, monographic observation, marketing research.

The results obtained and their novelty: estimated the role of oil and gas field of Uzbekistan in global energetic system; determined more essential factors of strengthening competitive vertical and integrated national oil and gas companies; grounded factors in forming oil and gas companies marketing strategy; worked out matrix strategic advantage of oil and gas companies comparing their weak and strong sides, business spheres and risk factors.

Practical value: recommended methodical basis by the map of competition, matrix strategy advantage of oil and gas companies based on SWOT-analyses can be applied in other fields and spheres of economy in Uzbekistan.

Degree of embed and economic effectivity: the main results and conclusion have been introduced to the practical activity of National Holding Company “Uzbekneftgas”, and have been widely used in lectures on “Marketing” at TSUE

Field of application: can be applied in working out the marketing strategy development control of oil and gas extraction companies and enterprises.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	31.05.2010 й.
Тиражи	100 нусха
Буқуртма №	457

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шожаси, 49-уй